

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

532 «Хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав
капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш усти-
дан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2350-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 34-сон, 456-модда) 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 2 мартдаги 5-сон «Хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2350, 2012 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 14-сон, 161-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 20 сентябрь,
01/19-26/18-сон

Келишилган:

*Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази бош директори*

Б. АТАХАНОВ

2013 йил 20 сентябрь